



## МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ СИФАТИ ИНДИКАТОРЛАРИНИ АМАЛИЁТГА ЖОРИЙ ЭТИШ МАЗМУНИ

Жўраева Наргиза Таировна

ТДПУ “Мактабгача таълим педагогикаси ва психологияси”

кафедраси ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7198974>

### ARTICLE INFO

Received: 27<sup>th</sup> September 2022

Accepted: 07<sup>th</sup> October 2022

Online: 14<sup>th</sup> October 2022

### KEY WORDS

раҳбар, фаолият, тизим,  
функция, ижодий  
ривожланиш, компетенция,  
мезон, даража, маҳорат,  
муносабат.

### ABSTRACT

Республикамизда бугунги кунда мактабгача таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш, бу соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, малакали педагог ва тарбиячилар билан таъминлаш, таълим-тарбия жараёнига замонавий таълим дастурлари, метод ҳамда технологияларни тадбиқ этиш, бу соҳада ўқув ва ўқув-методик адабиётларнинг янги авлодини яратиш орқали болаларни ҳар томонлама интеллектуал ривожлантириш муҳим касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони 1-илоvasида “...болаларнинг ҳар томонлама интеллектуал, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш”<sup>1</sup> каби муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу вазифани такомиллаштириш ижроси бўйича мактабгача таълимда болаларни мактабга тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш, унинг илмий-методик таъминотини яратиш масалалари мақсад қилиб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 майдаги ПҚ-4312-сонли “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030

йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги 391-сонли “Мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш асосий вазифалардан ҳисобланади.

Таълим тизимининг илк босқичи – мактабгача таълим тизими мазмуни Давлат талаблари ҳамда “Илк қадам” ўқув дастури вазифаларини бажаришдан иборат муҳим ижтимоий буюртмани ижро этади. Мактабгача ёшдаги болаларга дастур бўйича 3-7 ёшлик даврдан бошлаб аниқ

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини

янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони



фанлардан илк тасаввур-тушунчалар берилади. Таълим сифатининг рисоладагидек бўлишини таъминлаш педагогдан бир қатор талабларга мос равишда фаолият олиб боришни талаб этади. Бу жараённи холис баҳолаш учун педагог фаолиятига қуйидаги мазмундаги талабларни белгилаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Масалан, педагогнинг иш ҳужжатлари мавжудлиги – дастур мавзуларига мос равишда иш режаси, кузатув-тахлиллар ва ташхис олиб бориш. Кундалик ўйин ва машғулотларга тайёргарлиги – кун давомида ташкил этиладиган ўйин-машғулотлар ишланмалари ва бориши (тартиби) акс этган дафтар. Кўргазмалари ва тарқатма материаллармавжудлиги – режалаштирилган ўйин-машғулотларнинг самарадорлигини таъминловчи воситалар тайёрлаш.

Гуруҳда болалар фаолияти учун зарур муҳитнинг яратилганлиги болаларнинг қизиқишлари, интилишлари, индивидуал ва ёш хусусиятлари ҳисобга олинган фаолият муҳити мазмунан аниқ фанларни ўрганишга қаратилган бўлиши. Таълимнинг замонавий технологияларини кенг қўллаш – таълим сифатига ижобий таъсир кўрсатувчи омиллар: Ахборот Коммуникация Технологиялари, болаларнинг фаоллаштиришнинг турли замонавий кўринишлари: мусобақа, мунозара, тестлар, блиц-ўйинлари ва ҳоказолардан фойдаланиш. Давлат талаблари ва дастурни билиш, амалга татбиқ этиш – педагог ўзи фаолият кўрсатаётган гуруҳ болалар ёши юзасидан дастур ва давлат талаблари мазмунини яхши эгаллаган бўлиши шарт. Турли танлов ва кўрикларда

иштирок этиш – таълим муассаси ва ундан ташқарида мавзу юзасидан ташкил этиладиган танлов-кўрикларда имкон даражасида иштирок этиши керак. Таълим сифатини таъминлашга қаратилган ўз устида ишлашнинг ташкил этилганлиги – педагог маълум мавзу ва йўналиш бўйича мунтазам равишда ўз устида ишлаши лозим, бунинг учун “Устоз-шогирдлик” мактабларида сабоқ олиш, мустақил ўрганиш, муассаса ва ундан ташқарида ўзаро ташрифлар қилиш. Ота-оналар ўртасида педагогик ташвиқот олиб бориш – Гуруҳ ота-оналарининг педагогик ва психологик билимларидан келиб чиқиб, турли воситалар орқали уларнинг билимларини такомиллаштиришга ёрдам бериш. Болалар шахсининг психологик жиҳатларини ҳисобга олиниши – болаларнинг аниқ фанларга қизиқишини ҳисобга олиб, уларга индивидуал ёндашувни амалга ошириши керак. Болалар билимини кузатиш, натижаларни белгилаш орқали жараёнга пировард баҳо бериш – ҳар ярим йиллик натижаларига кўра болаларнинг ўтилган машғулотларда олган билимларини кузатиб, ташхис қилинган ҳолда, улар билан келгусидаги иш мазмуни белгилаб олинади. Жамоада педагогик жараёнда иштирок фаоллиги – педагог ўз жамоасида ташкил этиладиган педагогик кенгашлар, семинар машғулотлари ва танловларда ўз мулоҳазалари, иш тажрибаси хулосалари билан мунтазам иштирок этиб туриши лозим. Болаларнинг таълимнинг кейинги босқичидаги ўзлаштириш мониторингини ўрганиш – педагог таълим берган болаларининг кейинчалик бошқа ёш гуруҳида ёки



мактабда таълим жараёнида қандай ўзлаштираётганидан хабардор бўлиб турса, ўз фаолиятида йўл қўйган хатолари ва қўлга киритган ютуқларини таҳлил қила олади. Иқтидорли болаларни ажратиб, уларни тегишли қўшимча таълимга рағбатлантириш - болаларга аниқ фанлардан берилган таълим натижасида аниқланган иқтидорли болаларга алоҳида эътибор бериб, зарур ҳолларда уларни махсус ёки чуқурлаштирилган таълим берувчи муассасаларга йўллаш лозим.

Маънавий – ахлоқий жиҳатларни шакллантиришда, ўз навбатида, болаларнинг китобга нисбатан ижобий муносабатини ҳам таркиб топтиришга эътибор бериш муҳим. Китобни эҳтиётлаш, уни авайлаш, тоза қўл билан ушлаш, букмасдан тутиш, хар ерга ташламаслик, уни бошқаларга ҳам бериб туриш каби одатларни ўз вақтида шакллантириш учун бола билан бевосита ишлайдиган, уни тарбиялайдиган катта ёшли кишиларга алоҳида масъулият юкланади. Зеро улар болаларда шу малака-одатларнинг тўғри шаклланишида намуна бўлишлари, ўз ҳатти-ҳаракатларига доимо маъсул

бўлишлари талаб этилади. Шунда бола кичик ёшдан китобни авайлаш, уни эҳтиётлаб варақлаш, мазмунини қайта-қайта эслаш, катталардан яна такрор ўқиб ёки ҳикоя қилиб беришларини сўрашни ўрганади.

Очиқ машғулотлар ташкил этиш – педагог ўз фаолиятини таққослаш, таҳлил қилиш имконига очиқ машғулотлар жараёнида эга бўлади. Фикр алмашади, мунозара қилади, хулосалар белгилайди. Ўзаро ташрифларда иштирок этиш- тажриба ўрганиш ва ўргатиш имконига эга бўлади. Таҳлил қилади ва баҳолайди. Малака оширишга эътибор бериш – педагогнинг асосий фаолиятларидан бири бўлиб, ўз билимини бойитиш, малакасини такомиллаштириш, келгусидаги иш мазмунини белгилаш имконига эга бўлади.

Тавсиялар: Болаларнинг таълимнинг кейинги босқичидаги ўзлаштириш мониторингини ўрганиш мақсадида мактаб педагогик жамоаси билан ҳамкорлик режасини тузиб чиқиш, хар ярим йиллик натижаларини қиёслаш.

## References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони
2. Ш.М.Мирзиёев. Ёшларнинг маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича 5 та муҳим ташаббус. 2019 й.
3. Илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари 2018 й.
4. «Илк қадам» такомиллаштирилган Давлат ўқув дастури Тошкент. 2022 й.